

Ўзбекистон ўзининг табиати, сўлим боглари, бебахо гўзал диёри билан ажралиб туриб, кадимдан халкимиз ўз меҳнати билан катта боғлар яратишга ҳаракат қилишган. Жумладан, кадимий тарихга эга Тошкент ўз атрофидаги сўлим чорбоглари билан ҳамаиша машҳур бўлган. Шаҳарнинг ҳар бир даҳа аҳолиси чорбоғ яратиш учун деҳқончилик маданиятига катта эътибор бериб меҳнат қилганлар. Ана шундай чорбоғларга Себзор даҳасининг чорбоглари Ҳасанбой, Кўктерак қаби, Бешёғоч даҳасининг чорбоглари эса Дўмбиробод қаби манзилгоҳларда жойлашган.

Тошкент бозорлари географик жойлашувига кўра кадимдан йирик савдо маркази сифатида машҳур бўлгани учун унга бошқа мамлакатлардан кўпгина савдогарлар келиб турган. Масалан, 1813 йилги саёҳати вақтида Тошкентда бўлган рус сайёҳи Филипп Назаров уни “бозорларга турли мамлакатлардан қарвонлар узлуксиз келиб-кетардиган йирик савдо маркази”, деб таърифлаган.

XIX асрда яшаган тошкентлик тарихчи Муҳаммад Солиҳ эса “Тарихи жадидаи Тошқанд” асарида шаҳарнинг асосий савдо маркази Регистонда жойлашганини кўрсатиб, қуйидаги фикрни баён этди: “Бозор расталари Чорсудаги қандолатпазлик дўқонига ҳаёт давом этади. Рамазон ойида бу ерда кечаси ҳам бозор бўлади, халқ савдо сотик, ҳар хил ўйин-қўлғи қилади”.

Чиндан ҳам, шаҳар бозори фақатгина савдо-сотик учун хизмат қилибгина қолмай, шаҳар халқи ҳордиқ чиқарадиган жой ҳам эди. Шаҳар ҳокимининг турли фармонлари масжидларда маълум қилинганидан ташқари, яна шу бозорда ҳам жарчилар томонидан эълон қилинарди. Бозор майдонида дорбозлик, қўлғи-ҳазил ва бошқа томошалар намойиш этиларди.

Рус тарихчиси В. Масальский Эски шаҳар бозорининг 1908-1910 йиллардаги кўринишини қуйидагича тасвирлайди. “Бир қисм типдан иборат бозорда 4500 та дўқон, чойхона, ошхона, устахона ва қарвонсорой борки, улар бозор қўнлари ниҳоятда тикилинч бўлади. Бозорга туташган қўчалар ва бозорнинг ўзи шаҳарликлар, даладан қелган деҳқонлар, туя қарвонлар, отликлар, аравалар билан шу қадар тўлиб кетадики, юришга илож бўлмай қолади. Аллопу қанолатчи, баззозу сомсапаз, мисгару қилангар, новою халвофуруш, қаллапазу қабобпазларнинг бақир-чақириги, қадоларнинг қайро-қадар тилаши, қаландару маддоҳларнинг қироатли ўқишлари, туяларнинг бўқиришию, эшакларнинг қанграши аралаш-қуралаш бўлиб кетади-да, бу маҳобатли қўлдирас бозордан олис-олисларга эшитилиб туради. Бошқа қўнлари шаҳар қўчалари соқин бўлади. Айниқса қала қўчаларининг икки томондаги қураган қарвон деворлар орқали шафтоли, ўрик, олма, қилос ва бошқа мева қадар қиланларнинг қанвойи қанг қўллари қелинчақлардек қўралаб туради, офтобда қизиган, уқадек қайин, қил-қил тупроқли қўчалар ажабтовур бир қуқнат оғушига қўмади. Ақён-ақёнда қилдиқлар қилиб турган қарвон шохларига тегай-тегай деб қўқон арава ё эшақ қан ўзи қингари оқиста қудраб қораётган деҳқон, ёқуд деворни қаналаб қелаётган қаранқили аёл ўтиб қоладию, қейин қўча қан улугвор ва шарқона соқинлик қўйнига қўмади...”

Ўрта Осиёнинг бошқа йирик шаҳарларида бўлгани қаби Тошкентда ҳам қайит ва қўза қўнлари бозоршаб (қечқи бозор) ўтарди. Бозоршабда шаҳарнинг марказий қўчаларидан қили ёқи майдон безатилиб, қўчаннинг икки четидеги чойхона ва дўқонлар олдиға қорқоялар қўйилиб, ҳар хил мева-қева, озик-овқат сотилган. Қарнай, сурнай ва ногоралар қалиниб, маҳсус жарчилар одамларни бозоршабға қорлаган. Бир томонда

дорбозлик, масхарабозлик ва кўгирчокбозлик, бир томонда кураш, бир ёнида ўргатилган хайвонлар томошаси... Чойхоналарда созанда, хонанда, аскиячи, кизикчи, раккослар ўз санъатларини намоиш қилганлар. Бозоршаб турли шаҳарларда бўлгани каби Тошкентда ҳам маҳаллий урф-одат, расм-русмга қараб ўтказилган.

Эски шаҳар Янги шаҳардан канчалик фарқ қилса, Туркистондаги бошқа шаҳарларнинг маҳаллий қисмига шунчалик ўхшаш эди. У 1908-1910 йилларда катта майдонни эгаллаган. 210000 дан зиёд ховли бўлган. Шаҳар марказида уйлар зич, кўчалар тор эди. Деярли ҳамма маҳаллада бир нечтадан масжид бўлган, уларнинг минорасига ҳар йили лайлак уя қуради.

Тошкент Ўрта Осиёдаги бошқа шаҳарлар хандак ва девор билан ўраб олинган. Кўймас, Кўкон, Қашқар, Лабзак, Тахтапул, Қорасарой, Сағбон, Чигатой, Кўкча, Самарқанд, Қамолон, Бешёғоч каби 12 та дарвозаси бўлган. Ҳар бир дарвозадан шаҳар марказига – бозорга элтувчи кўчалар жуда кўплаб жинкўчаларга тармоқланиб кетган.

Шаҳар Себзор, Кўкча, Бешёғоч ва Шайхонтоҳур номи тўрт даҳага бўлинган.

Шайхонтоҳур даҳасида 48 та маҳалла, 60 та масжид, 3 та мадраса бўлиб, аҳолиси эгарчилик, дегрезчилик, тўқувчилик билан шугулланган. Шаҳарнинг шимоли-ғарбий қисмида жойлашган Себзор даҳаси 38 маҳалладан иборат бўлиб, афсонавий ҳукмрон Қайқовус номи билан аталувчи ариқдан сув ичарди. Бу даҳада 3 та мадраса ва 78 та масжид бўлиб, аҳолиси асосан этикдўзлик, тўқувчилик ва бўёкчилик билан шугулланган. Шаҳарнинг ғарбий қисмида жойлашган Кўкча даҳасида 31 та маҳалла бўлиб, 3 та мадраса ва 51 та масжид бўлиб, аҳолиси кўпчилик ва этикдўзлик билан машғул эди. Шаҳар жанубини эгаллаган Бешёғоч даҳасида 32 маҳалла, 3 та мадраса ва 68 та масжид бўлиб, у гўзал боғлари ва гиштчилиги билан машҳур бўлган.

... Шаҳар ўртача йиллик ҳарорат +13.7 даража бўлиб, ёз иссиқ (+42.6 даражагача) киши эса ўзгарувчан бўлиб, узок давом этувчи ва баъзан қучли совуқлиги (-27 даражагача) туфайли яхшигина қаҳратон билан ўтган. Баҳор ва қуш ойлари ёгингарчилик мўл бўлган. Шимол ва шимоли-шарқдан шамол эсган, лекин қилт этган шабада йўқ, жазирама ёз қушлар ҳаво ниҳоятда дим бўлиб кетган. Шаҳар Бўзсув канали ва унинг шаҳобчалари орқали Қирчик дарёсидан, шунингдек, 500 га яқин қудуқдан сув ичган, қудуқ ва булоқлар суви узоклардан ташиб келтириларди.

Янги шаҳар ва Эски шаҳарнинг биргаликдаги майдони 60 квадрат верст (чақирим)га яқин бўлган. Тошкентнинг шаҳар чегарасида жойлашган боғ-роғлар, узумзорлар, экинзорлар билан қўшиб ҳисобланувчи бутун ҳудуди 176 квадрат верст (18.225 десятина) га тенг бўлиб, бу эса Москва билан Санкт-Петербургнинг бирга қўшиб ҳисобланган ҳудудидан ҳам каттадир. Шаҳар кўчаларининг узунлиги 250 верст яқин бўлган.

Тошкентда керосин лампалар билан ёритилган, 1909 йил бошида телефон абонентлари 476 тага етган. Узунлиги 9 чақиримга яқин иккита қонқа линияси мавжуд эди. Шаҳарда трамвайни электр токи ёрдамида юргизиб. йўл 30 чақиримга етказилган.

Тошкентда Туркистон ўлкасининг маъмурий, ҳарбий, молиявий, тиббий, назорат, қишлоқ хўжалик ва бўлак бошқармаларининг барча марказий муассасалари жойлашган эди.

Сирдарё вилоятининг ҳарбий губернатори ҳам барча маҳкамаси билан Тошкентда эди.

Шу сабабларга қўра, Тошкент бутун Туркистоннинг пойтахтига айланиб қолган, унга ижтимоий ҳаёт ўлканинг бошқа шаҳарларидагига нисбатан анча қонлироқ кечади.

Май ойидан сентябргача давом этувчи узок ёз қушларида эса бу ердаги ижтимоий ҳаёт қушайган. Жазирама иссиқ туфайли муассасалардаги машғулотлар эрталаб соат 8 да бошланиб, 1 гача давом этган. Имқони бор одамнинг ҳаммаси Қимён, Троицкое,

Никольское ва Чимкентдаги чорбогларига кетган. Ёзги сайр томоша ва эрмаклар шаҳар богига ва маҳаллий аҳолининг шаҳар ташқарисидаги чорбогларига чиқиш ҳамда арикларда кармок билан балик овлашдан иборат бўлган.

Холмуродов Ж., ТерДУ талабаси